

**Қозоғистон Республикаси Жумабек Ташенев номидаги
университетнинг “Рус ва ўзбек тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Шахло Наралиеванинг
“Қозоғистонда ўзбек тили таълимининг методик асослари” монографиясига**

ТАҚРИЗ

Бугунги давр ўзининг шиддати, глобаллашув жараёнларининг кенг тус олиши, давлатлар ва миллатларнинг бир-бирига яқинлашуви билан характерланамоқда. Дунёда таълим олувчиларнинг, жумладан, мактаб ўқувчиларининг сифатли ўқитилиши, уларнинг интеллектуал қобилиятлари, ижодий тафаккурлари, креатив фикрлашларини шакллантириш ва такомиллаштириш мамлакатларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи шартлардан бири сифатида тан олинди. Зеро, она тили дарсларида ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, нутқий компетенцияларини ривожлантириш, бу борада таълимнинг самарадорлигини таъминловчи воситаларни такомиллаштириш, таълимнинг дидактик таъминотини бойитиш, ўқитиш жараёнида замонавий талабларга жавоб берадиган инновацион усул ва воситалардан фойдаланиш, шунингдек, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилиши ҳам бежиз эмас. Ҳозирги замон методикасининг ижодий фаолиятни кучайтиришга йўналтирилган ёндашувида ҳам бунга алоҳида эътибор берилмоқда.


Шу нуқтаи назардан, Жумабек Ташенев номидаги университетнинг “Рус ва ўзбек тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Шахло Наралиева томонидан нашрга тайёрланган “Қозоғистонда ўзбек тили таълимининг методик асослари” номли янги монографияси Қозоғистондаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида она тили машғулотларини оммавий ташкил этиш шакллариининг макон ва замонига қараб: а) синф-дарс машғулотлари ва б) синфдан ташқари ишлар (турли суҳбатлар, бадиий-композицион кечалар, учрашувлар, кўрик-танловлар, олимпиада ва б.) шаклида ташкил этилиши, она тили машғулотларининг моҳиятан а) анъанавий дарс; б) ноанъанавий дарсларга ажратилиши ҳақида келтирилган қизиқарли маълумотлар қимматлидир.

Шунингдек, тадқиқот ишида анъанавий дарсларнинг, одатда, бихевиористик (рецептив) ёндашув асосида амалга оширилиши таъкидланиб, она тили таълимини ривожлантириш учун она тилидан ўқув дастурларини концентрик асосда тузиш, соддадан мураккабга ўтиб бориш тамойилига риоя қилиниб, нутқий кўникмаларни ўқувчиларнинг ёшига мос тарзда бериб бориш, бунда “прагматика~содда назария~маданий нутқ” тамойилига қатъий амал қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, аслида, тадқиқотнинг мағзини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, тадқиқот иши жуда катта масъулият, синчковлик билан содда, илмий тилда ёзилган ва Ж.Ташенев номидаги университетнинг “Рус ва ўзбек тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Шахло Наралиеванинг “Қозоғистонда ўзбек тили таълимининг методик асослари” номли монографиясини нашрга тавсия этиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро
журналистика олий мактаби доценти,
филология фанлари доктори

TASDIQLAYMAN
TDSHU XODIMLAR
BO'LIMI BOSHIG'I
Ш. Наралиева



Шарипов